# “DAVRBANK”ХАТБ Корпоратив карталарини фойдаланишга бериш ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисида ОФЕРТА ШАРТНОМА

№

Тошкент шаҳри “ ____ ” ______________20 __ йил

Ушбу оммавий оферта (кейинчалик – ОФЕРТА ) шартномаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 369 моддаси 2-қисмига асосан Низом асосида фаолият кўрсатувчи «DAVR BANK» ХАТВ ва тўлов воситаларини (корпоратив карталарни) олувчи барча ташкилотлар ўртасидаги қуйида кўрсатилган шартлар асосида умумий оферта шартномаси бўлиб ҳисобланади.

Оферта шартномасининг амалдаги версияси Банк веб-сайтида қуйидаги манзилда жойлаштирилган https://www.davrbank.uz

## 1. Асосий тушунчалар

1.1. «Корпоратив банк картаси» (кейинги ўринларда банк картаси) - БАНК тарафидан юридик шахсга бериладиган тўлов картаси ҳисобланиб, корпоратив карта МИЖОЗСИга накд пулсиз товар, кўрсатилган хизматлар ёки ишлар сотиб олиш учун карта ҳисоб варағидаги маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқини беради.
1.2. Корпоратив банк картаси ўз эгасига — яъни, юридик шахснинг ваколатига эга ҳодим ёки якка тартибдаги тадбиркорга, карта ҳисоб варағидаги пул маблағларини бошқариш имкониятини беради. Корпоратив банк картаси фақат нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мўлжалланган бўлиб, ойлик иш ҳақини ва бошқа ижтимоий характердаги тўловлар, ҳамда нақд пул маблағларини тўлаш учун ишлатилиши мумкин эмас.
1.3. «МИЖОЗ» - Эмитент БАНК билан юридик шахс ўртасидаги шартнома асосида БАНК корпоратив банк картасидан фойдаланувчи юридик шахс ёки юридик шахс ишонч билдирган шахс.
1.4. «Сўмдаги махсус карта ҳисоб рақами» - банк картаси орқали пул маблағларини тасарруф этиш мумкин бўлган банк ҳисобвараға.
1.5. «Корхона/Ташкилот» - Ўзбекистон Республикаси худудида товарлар ва хизматларга банк картасини тўлов воситаси сифатида қабул қилувчи хар кандай юридик шахс ёки хусусий тадбиркор (дўкон, мехмонхона, ресторан ва бошкалар).
1.6. «Транзакция» - банк картаси МИЖОЗ си тарафидан амалга ошириладиган, унинг банкдаги хисобвараґи дебетланишига олиб келадиган тўлов ордери.
1.7. «ПИН» код - Банк картаси эгасининг шахсий идентификацион рақами бўлиб, у карта ҳисобварағидаги пул маблағларини бошкариш ҳуқуқини хамда маблағларни бошқаришга банк картасининг эгаси тарафидан рухсат берилганлигини тасдиклайди.
1.8. «Тўловларни қайтариш» - Банк тарафидан белгиланган шаклда банк картаси эгасининг сўмдаги махсус карта хисобварағини кредитлаш учун Корхона/Ташкилот

тарафидан амалга ошириладиган пул маблағларининг хар кандай кайтарилиши маъносини билдиради.

1.9. «Терминал» - Банк картасидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз хисоб- китобларни амалга ошириш имконини берувчи ва бажарилган операциялар бўйича чекларни шаклантирувчи мослама.

1.10. «Банк тарифи» - Банк карталари бўйича операцияларга тегишли тўловлар ва воситачилик ҳақларининг барча турлари хамда миқдорлари белгиланган амалдаги банк тарифини билдиради.

1.11. Ушбу шартномада "Банк картаси" ёки "Хисоб ракам" сўзлари ишлатилганда, ушбу сўзлар МИЖОЗнинг сўмдаги махсус карта ҳисобракамига берилган барча банк карталари турларига кўлланилади.

## 2. Шартноманинг предмети

2.1. Мазкур шартнома корпоратив банк карталари орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар бўйича БАНК тарафидан кўрсатиладиган хизматлар юзасидан БАНК ва корпоратив карта МИЖОЗСИ ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

2.2. Тарафлар,мазкур шартнома бўйича ўзларининг юридик манзили, (доимий рўйхатдан ўтган манзили), МИЖОЗнинг исми, шарифи, фамилияси ва уяли алока рақами(лари), паспорт маълумотлари (тарафларнинг реквизитлари) шартноманинг мухим шарти деб белгилаб олишдилар.

## 3. Тарафларнинг мажбуриятлари

3.1. МИЖОЗнинг мажбуриятлари:

3.1.1. Банк картасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг "Юридик шахсларнинг миллий валютадаги корпоратив банк пластик карталаридан фойдаланиш" (Адлия Вазирлигидан 2005 йил 18 апрель куни № 1470 сон билан рўйхатга олинган) тартибига асосан фойдаланиш;

3.1.2 Банк картасидан мазкур шартнома асосида фойдаланиш;

3.1.3 Банк картасидан фақатгина қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

- банк картаси МИЖОЗси тарафидан;
- банкдаги сўмдаги махсус карта ҳисоб рақамидаги маблағлар қолдиғи доирасида;
- банк картасида кўрсатилган муддат ичида;

3.1.4 МИЖОЗ тарафидан шартнома шартлари бузилиши билан боғлик барча харажатларни тўлаш;

3.1.5. МИЖОЗ банк картасини олиш учун БАНКда махсус жорий ҳисобрақам сўмдаги махсус карта ҳисобрақамларни очиши керак. Махсус жорий ҳисоб рақам транзит ҳисобрақам ҳисобланади ва сўмдаги махсус карта ҳисобракамини тўлдириш учун фойдаланилади.

3.1.6. Юридик манзил ўзгариши ёки бошка ўзгаришлар бўйича зудлик билан БАНКга ёзма маълумот бериш;

3.1.7. Сўмдаги махсус карта ҳисоб рақамини тўлдирилиши факат асосий талаб килиб олингунча ҳисоб ракамидан амалга оширилади. Сўмдаги махсус карта ҳисоб рақамини накд пулда тўлдирилиш ман этилади;

3.1.8. МИЖОЗ банк картасини олган кундан бошлаб бир кун ичида банк картасининг ПИН кодини ўзгартириши керак. ПИН кодни савдо терминалида, банкомат ёки инфокиосклар оркали алмаштириш мумкин. (HUMO- тизимидаги банк карталари бундан мустасно). HUMO- банк карталарини олишда банкдаги махсус ПИН код куйиладиган терминалдан ПИН кодни қўйдириб олиши лозим;

3.1.9. Банк картаси йўколганда, бузилганда ёки ўғирланганда бу буйича зудлик билан БАНКга мурожаат килиш;

3.1.10. Банк картаси йўколганда, бузилганда ёки ўғирланганда БАНК тарифларидан келиб чикиб тўлаш лозим;

3.1.11. Банк картаси ҳисобракамига хатолик туфайли тушиб колган маблағларни, шунингдек банк картаси ҳисоб рақамида техник носозликлар туфайли ортикча пайдо бўлиб қолган маблағларни БАНКга кайтариш;

3.1.12. Шартноманинг мажбурий шартларига риоя килиш:

3.1.12.1. МИЖОЗнинг уяли алоқа рақами ўзгарган тақдирда, бу хақда дархол БАНКга ёзма хабар бериш;

3.1.12.2. Мижознинг юридик манзили ва/ёки МИЖОЗнинг паспорт маълумотлари, исми, шарифи, фамилияси ўзгарганда, шунингдек карта йўкотилган ёки ўғирланган такдирда, дархол БАНКга ёзмаёки электрон ҳабар бериш.

### 3.2. **Банкнинг мажбуриятлари:**

3.2.1. Юридик шахс билан шартнома тузилганидан сўнг махсус жорий ҳисоб рақам ва сўмдаги махсус карта ҳисоб рақамини очиш;

3.2.2. МИЖОЗ нинг сўмдаги махсус карта ҳисоб рақамини банк картаси бўйича амалга оширилган барча транзакциялар сўммасига дебетлаш;

3.2.3. Тегишли тарзда расмийлаштирилган тўлов хужжатлари олинган кундан эътиборан 3(уч) банк иш куни ичида БК эгасининг фойдасига тушган пул маблагларини сўмдаги махсус карта ҳисоб рақамига кирим килиш;

3.2.4. МИЖОЗ хисоб варағидан транзакциялар бўйича 1(бир) иш куни мобайнида тўловларни олиш ва хисобварақ бўйича кўчирмаларда уларни акс эттириш;

3.2.5. МИЖОЗ нинг ёзма аризаси бўйича унинг сўмдаги махсус карта хисобрақамидан кўчирма бериш;

3.2.6. Корхона/ташкилот тарафидан тақдим килинган, кайтариш учун чеклардаги сўммаларни МИЖОЗ нинг сўмдаги махсус ҳисоб рақамига кредитлаш;

3.2.7. МИЖОЗ тарафидан банк картаси йўколганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисида ёзма ариза олинган такдирда банк картасидан фойдаланган холда операцияларнинг амалга оширилишини вақтинча тўхтатиб қўйиш;

3.2.8. Мазкур шартнома шартларида ўзгаришлар бўйича МИЖОЗ га ёзмаёки электрон шаклда маълумот такдим қилиш;

3.2.9. МИЖОЗ ни БАНК Тарифлари ва тўловлари билан таништириш;

3.2.10. Юридик шахс билан имзоланган шартномага асосан БАНК МИЖОЗга банк картаси эмиссиясини амалга оширади ва уни МИЖОЗга вактинчалик фойдаланишга беради.

3.2.11. Банк томонидан банк картаси бўйича амалиётлар тўҳтатиб қўйилганда, банк амалиёт тўҳтатилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда МИЖОЗга банк картаси бўйича амалиётлар тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасиданхабарнома (маълумотнома) юборади. Хабарнома банк картаси МИЖОЗсининг уяли алока ракамига юборилади.

## 4. **Тарафларнинг ҳуқуқлари**

4.1. МИЖОЗнинг ҳуқуқлари:

4.1.1. Сўмдаги махсус карта ҳисоб рақамини тўлдириб бориш;

4.1.2. Сўмдаги махсус карта ҳисоб рақамидан кўчирмани олиш, кўчирмада махсус карта хисоб раками орқали амалга оширилган барча операциялар акс эттирилади.

4.1.3. МИЖОЗ БАНК дан кайтарилган тўловларни карта ҳисоб рақамига кайтаришни, КОРХОНА/ТАШКИЛОТ тарафидан амалга оширилган транзакция буйича маълумотлар олинмагунча, талаб қила олмайди.

4.1.4. МИЖОЗ банк картасидан накд пул ечиш ҳуқуқига эга эмас.

4.1.5. “SMSхабар”ни +998- ______________________ уяли алока рақамига (уяли алока рақами шахсан банк картаси МИЖОЗси томонидан ёзилади) юборишни талаб килиш хуқуқи.

4.2. **Банкнинг ҳуқуқлари:**

4.2.1. МИЖОЗ тарафидан шартнома ва йурикнома шартлари бузилганда, МИЖОЗга нисбатан БАНК тарафидан тасдикланган жарима санкцияларини кўллаш ва карта амалиётини тўхтатиш;

4.2.2. Куйидаги холатларда банк картасини МИЖОЗдан олиб кўйиш:

- бу бўйича МИЖОЗ нинг топшириғи берилганда;
- МИЖОЗ тарафидан шартнома шартлари бузилганда;

4.2.3. БАНК тарифларига асосан мижознинг хисоб рақамларидан актцептсиз тартибда комиссион тўловлар ва кўрсатилган хизматлар учун хизмат хақларини ечиб олиш;

4.2.4. Мижознинг сўмдаги махсус карта ҳисоб рақамига хатолик туфайли

тушибколган маблағларни, шунингдек сўмдаги махсус карта ҳисоб рақамида техникносозликлар туфайли ортикча пайдо бўлиб колган маблагларни мижознинг карта ҳисоб ракамларидан акцептсиз тартибда ечиб олиш;

4.2.5. Банк картаси амал қилишининг бутун муддати мобайнида БАНКнинг мулки ҳисобланади ва амал қилиш муддати тугаганида, алмаштириш чоғида ёки БАНК талабига асосан БАНКга кайтарилиши керак.

## 5. Шартнома ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

5.1. МИЖОЗ банк картасини олишда БАНК даромадига банк картасини расмийлаштириш, программалаштириш ва персонализация қилиш учун БАНК тарифларида белгиланган микдорида банк хизмати тўлайди;

5.2. Мижоз сўмдаги махсус карта ҳисоб ракамига ўтказилаётган маблағдан ______% миқдорида БАНКга комиссион тўлов тўлайди;

5.3. Мижоз сўмдаги махсус карта ҳисобракамидан асосий талаб қилиб олгунча ҳисобварағига маблағлар ўтказилганда, ўтказилаётган маблагдан БАНКга _______% миқдорида комиссион тўлов тўлайди;

## 6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. МИЖОЗ куйидагиларга жавобгар ҳисобланади:

6.1.1. Шартнома шартларини ва банк картасидан фойдаланиш коидаларини бузганда;

6.1.2. Банк картаси ПИН кодини бошка шахсларга ошкор килганда. МИЖОЗ банк картаси ПИН кодини бошка шахсларга ошкор қилганда, БАНКни ёзма хабардор қилгунгача бошка шахслар тарафидан амалга оширилган транзакциялар бўйича, жавобгар ҳисобланади.

6.1.3. Банк картаси оркали амалга оширилган барча амалиётлар учун жавобгар ҳисобланади;

6.1.4. МИЖОЗ банк картаси йўқотилганда, ўғирланганда БАНКни ёзма ҳабардор қилгандан сўнг 3(уч) иш куни ичида амалга оширилган барча транзакциялар бўйича жавобгар ҳисобланади.

6.1.4. МИЖОЗ БАНКга такдим килинган маълумотлари тўғрилигига жавобгар ҳисобланади.

6.1.5. МИЖОЗ КАРТОТЕКА №2 бўйича ёки бошка хўжалик юритувчи субъектлар олдида карздорлиги мавжуд бўлганда банк карта ҳисобварағини тўлдирганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

6.2. **БАНК куйидагиларга жавобгар ҳисобланади:**

6.2.1. БАНК маълум сабабларга кўра, агар бундай сабаблар БАНК назоратида бўлмаса, ўз мажбуриятларини бажара олмаслик буйича жавобгар ҳисобланмайди.

6.2.2. Банк куйидаги холларда мижоз олдида жавобгар бўлмайди:

a) МИЖОЗ томонидан конунчиликка зид харакатлар содир этилган такдирда;

b) агар банк картаси йўколиши ва/ёки ПИН-код ошкор этилиши МИЖОЗнинг эхтиётсизлиги ёки банк картаси билан эхтиётсиз муомаласи туфайли юз берган бўлса;

c) банк картаси оркали ўтказилган транзакцияларга;

d) МИЖОЗ томонидан нотўғри маълумотлар буйича учинчи шахсга мустақил равишда пул маблағини ўтказганда ёки МИЖОЗнинг розилиги билан пул маблағини ўтказиш натижасида учинчи шахснинг фирибгарлик харакатларига;

e) можаровий холат юзага келиши оқибатида яъни назоратдан ташқари доирада бўлиши, ташки тўлов тизимининг тўхтаб колиши, хисоб-китоблар, кайта ишлаш ва маълумотларни ўзатиш билан боғлик бўлганда;

f) учинчи томоннинг банк картасига хизмат кўрсатишдан воз кечиши;

g) банк картаси бўйича харид қилинган товарлар ва хизматларнинг сифати;

h) учинчи томон тарафидан белгиланган, МИЖОЗнинг манфаатларига дахл қилиши мумкин бўлган банк картаси бўйича лимитлар, чеклашлар ва кўшимча хақлар;

i) БАНК йўколган банк картасини (асосий ёки қўшимча) Стоп-Листга қуйишҳақида ўз вактида огоҳлантирмасликнинг оқибатлари;

j) МИЖОЗ томонидан CVN (CVV) кодларни учинчи шахсга берилганда;

k) БАНК банк картаси йўколганлиги ёки ўғирланганлиги ёхуд банк картасидан учинчи шахслар фойдаланганлиги натижасида мижозга етказилган хар кандай молиявий зарарлар, шу жумладан СТОП ЛИСТ руйхатига киритилган кундан кейин амалга оширилган транзакциялар юзасидан етказилган зарарлар учун хам жавобгар хисобланмайди.

6.2.3. Банк куйидаги холларда жарима тўлашдан озод килинади:

a) форс - мажор ҳолатлари, шу жумладан, банклараро электрон тўловлар тизимида рўй бериши мумкин бўлган узилиш;

b) банк мижози томонидан амалдаги конунларда белгиланган талабларга мос келмайдиган тўлов ҳужжатлари тақдим килинганда;

c) конунларда белгиланган тартибга банк ёки мижоз КХ, буйича операциялар тўхтатилганда.

6.2.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги амалдаги конунчиликка мувофик тартибга солинади.

## 7. Шартноманинг амал қилиш муддати, шартномани ўзгартириш ва бекор килиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома мижоз билан келишилган муддатга тузилади. Агар шартнома муддати тугашидан 1 (бир) ой олдин тарафларнинг бири шартномани бекор килиш бўйича иккинчи тарафга огохлантириш бермаса, шартнома кейинги муддатга узайтирилган ҳисобланади. Шартнома муддати узайтирилганда БАНК тарафидан белгиланган тартибда МИЖОЗга банк картасининг амал килиш муддати узайтириб берилади.

7.2. Шартнома амал килиш муддати тугагач, БАНК сўмдаги махсус карта ҳисобварағи бўйича операцияни тўхтатади. Сўмдаги махсус карта хисобварағидаги қолдик маблағ МИЖОЗ (яъни юридик шахс)нинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисоб рақамига кайтарилади.

7.3. Шартнома амал килиш муддати тугагач, агар шартнома кейинги муддатга узайтирилмаса, МИЖОЗ банк картасини БАНКга кайтаради.

7.4. БАНК ўзгартиришлар кучга киришидан 10 кун аввал «www.davrbank.uz» банкнинг интернет сайтида эълон бериш орқали мазкур шартнома шартларини амалдаги

қонунчилик доирасида бир тарафлама ўзгартириш ҳуқуқини ўзида саклаб қолади.
7.5. Агар тарафлар киритилган ўзгаришлар бўйича келишувга эришмасалар, шартнома бекор қилинади.
7.6. Банк картаси МИЖОЗ банк картасини БАНКга топширгач, исталган пайтда ушбу шартномани бекор қилишга хакли.
7.7. БАНК 1 (бир) ой аввал ёзма равишда хабардор қилиш оркали исталган пайтда ушбу шартномани беқор килиши мумкин.
7.8. Банк картаси МИЖОЗ тарафидан шартнома бекор қилинган тақдирда у шартнома бекор қилинишига қадар амалга оширилган хар қандай транзакциялар юзасидан ва шартнома бекор қилингандан сўнг банк картаси БАНКгаўз вақтида кайтарилмаган холатда тўлик жавобгар бўлади.
7.9. Банк картаси МИЖОЗ тарафидан ушбу шартнома шартларининг бузилиши натижасида амалга оширилган барча харажатларни банк картаси МИЖОЗСИдан ўндириб олади.
7.10. Шартнома куйидаги талаблар бажарилгандагина бекор қилинади:
- БАНК тарафидан МИЖОЗ га берилган барча банк карталари БАНКга кайтариб топширилганда;
- МИЖОЗ ушбу шартнома буйича барча мажбуриятларини бажарганда;
- МИЖОЗ БАНК олдида карзи мавжуд бўлмаганда.

7.11. Шартнома бекор қилинишида, МИЖОЗ тарафидан банк картаси БАНКга топширилгач, карта ҳисобварағидаги қолдик маблағ МИЖОЗ (яъни юридик шахс)нинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисоб рақамига кайтарилади.
7.12. Мазкур шартнома тарафлар учун биттадан бир хил юридик кучга эга бўлган, икки асл нусхада тузилади ва у имзоланган пайтдан эътиборан кучга киради.
7.13. Шартномага мувофик ёки у билан боғлик холда юборилаётган барча хабар ва маълумотлар ёзма равишда расмийлаштирилиши лозим хамда агар, улар буюртма хат оркали жунатилган ёхуд шартнома иштирокчиларининг куйида кўрсатилган юридик манзиллари бўйича шахсан етказилган бўлиб, олинганлиги тўғрисида тасдиғи мавжуд бўлган такдирда, мазкур хабар ва маълумотлар тегишли тарзда тақдим этилган деб ҳисобланади.

## 8. **Махфийлик**

8.1. Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вактида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.
8.2. Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чикадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошка тарафнинг тижорат сири хисобланган махфий ахбротлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор килмаслик мажбуриятини олади.
8.3. Мазкур талаб шартноманинг амал килиш муддатига хамда шартнома муддати тугаган вактдан бошлаб 3(уч) йил мобайнида амал килади.
8.4. Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча зарарни тўлик хажмда қоплайди.

## 9. **Форс-мажор ҳолатлар**

9.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу тарафларнинг иродаси, ҳохиши ва фаолиятларига боғлик бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қирғокчилик ва бошқалар), ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошкалар)

халкаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидаги носозлик, банкнинг дастурий таъминот тизимига килинган таҳдид (учунчи шахслар тарафидан қилинган ҳужумлар) сабабли юзага келган шароитларда тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини

олиб бўлмайдиган ва кутилмаган холатлардир.
9.2. Юзага келган форс-мажор холатлариҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар якунланганлиги ҳакида тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вактдан бошлаб, 3 (уч) банк иш куни ичида бу хакда иккинчи тарафни ёзма равишда хабардор қилиши лозим.
9.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳакидаги хабарномалар тарафларда мавжуд бўлган барча алока воситалари оркали юборилиши мумкин (СМС ва ММСхабарлари бундан мустасно).
9.4. Форс-мажор ҳолатлари 30 кун мобайнида бартараф этилмаган такдирда тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилишга хақли бўладилар.

## 10. **Низоларнинг ҳал этилиши**

10.1. Тарафлар мазкур шартномани бажариш вактида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.
10.2. Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, хуқуқи бузилган тараф тарафидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим.
10.3. Талабнома ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алока хизмати оркали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади.
10.4. Тинч йўл билан хал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд оркали хал этилади.

**Банк реквизити ва адреси:**
**ХАТБ "Давр Банк"**
**Адрес: Тошкент шаҳар,**
**Шимолий-Олмазор 17Б**
**р/с 16103000800000981001**
**МФО: 09051, ИНН: 203709707**
**ОКЕЭ:64190, ОКПО:203709707**